

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги Ахборот
технологиялари маркази



И. К. Джуманиязов

2022 йил “20” июль

UzASBO-ZP - 2 дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

(145 варақда)

2022 йил “20” июль дан амал қилади

Тошкент – 2022

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши

Тизимнинг тўлиқ номи: UzASBO-ZP – 2 дастурий мажмуаси (кейинги ўринларда дастурий мажмуа)

1.2. Шартнома шифри (рақами)

Тизимнинг техник ҳужжатлари Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида 2022 йил

_____да тузилган _____ – сонли шартномага асосан ишлаб чиқилган.

1.3. Буюртмачи

буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот технологиялари маркази;

Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов, 16-уй, Телефон рақамлари: (+998 71) 202-07-12

1.4. Бажарувчи

Ушбу лойиҳанинг бажарувчиси энг яхши таклифни танлаш асосида белгиланади.

1.5. Ишлаб чиқиш учун асос

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” қарорига 5-илова 2020 — 2022 йилларда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 2.6. банд

- Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг халқаро стандартларига ўтиш мақсадида «UzASBO-ZP - 2» дастурий таъминотини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги

ПФ-6079-сон Фармонида 15а-ИЛОВА “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2020 йилда иқтисодий тараққиёт, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш соҳаларини рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш «йўл харитаси» -4. банд

- Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимларини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш

тўғрисида” қарори, 1-илова III бобнинг (Бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва назоратини таъминлаш) 13,14,15,16 бандлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 июндаги “Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга ғазначилик орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

1.6. Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари

Ишлаб чиқишни бошлаш: июль 2022 йил

Ишлаб чиқишни тугатиш: декабрь 2022 йил

1.7. Молиялаштириш манбалари

Тизимни ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот технологиялари марказининг “IT” соҳасини ривожлантиришга қаратилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1.8. Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби

Дастурий мажмуани ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш ишлари мазкур техник топшириқнинг олтинчи ва еттинчи бўлимларида келтирилган талаблар асосида буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

Буюртмачининг ҳоҳишига кўра, буюртмачининг ўз мутахассислари ҳамда (ёки) буюртмачи томонидан жалб этилган бошқа мутахассислар иштирокида дастурий мажмуани қабул қилиб олиш учун махсус ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.

Буюртмачи бажарувчидан дастурий мажмуани махсус ишчи гуруҳи олдида ҳимоя қилиш ва тизимнинг ишлаш тартибини тўлиқ тушунтириб беришни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачи томонидан шартномага асосан бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, дастурий мажмуа буюртмачи томонидан фойдаланиш учун тўлиқ қабул қилиб олинган ҳисобланади.

Иш натижаларини тақдим этиш қуйидагилардан ташкил топади:

- тўлиқ ишлаб чиқилган ва буюртмачининг мутахассислари томонидан тўлиқ синовдан ўтказилган дастурий мажмуа;

- буюртмачининг мутахассислари учун тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ўтказилган ўқув;
- тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ишлаб чиқилган электрон шаклдаги йўриқнома.
- Тизимнинг вазифаси ва яратиш мақсадлари.

Бажарувчи дастурий мажмуа фойдаланишга топширилгандан сўнг Бир йил мобайнида дастурий мажмуа тўғри ва соз ишлашини техник жиҳатдан таъминлаш, фойдаланиш даврида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мажбуриятини олади.

1.9. Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

Тизимда фойдаланиладиган умумий тушунчалар ва қисқартмалар:

1-жадвал – Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

Қисқартмалар ва атамалар	Таъриф / Талқин
О'ZDST	Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти
UzASBO-ZP - 2	Ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисоби бюджет ташкилотларининг автоматлаштирилган дастурий мажмуаси (Автоматизированная система бюджетных организаций)
ЭРИ	Электрон рақамли имзо
АТ	Ахборот тизими
ДМБАТ	Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими
ТТ	Техник Топшириқ
МББТ	Маълумотлар базасини бошқариш тизими
ДСҚ	Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси
ОТ	Операцион тизим
НТТР	Маълумотларни узатиш учун дастур қатлами учун протокол
НҲА	Норматив-ҳуқуқий АКТ.
ДТ	Дастурий таъминот
БТ	Бюджет таснифи
ТУМ	Техник ускуналар мажмуаси
ЯМБ	Ягона маълумотлар базаси.

2. ТИЗИМНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ЯРАТИШ (РИВОЖЛАНТИРИШ) МАҚСАДЛАРИ

2.1. Тизимнинг яратиш мақсадлари

Тизимни яратиш ва жорий қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Бюджет ташкилоти ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар ҳисобини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш
- Ҳисобнинг касса усулидан ҳисоблаш усулига ўтиш
- Жорий дастур маълумотлар базаси маълумотларини фойдаланувчиларга сездирмаган ҳолда SQL дан ORACLE маълумотлар базасига миграциясини амалга ошириш ҳамда келгусида фақатгина ORACLE маълумотлар базаси билан ишлаш
- Маълумотлар базаси архитектурасини тубдан қайта кўриб чиқиб бошқатдан ёзиш ёки такомиллаштириш.
- кодлар оптимизациясини амалга ошириш;
- архитектура текшируви;
- хавфсизлик тизимининг аудити;
- харажатларни камайтириш учун текширувлар;
- иш жараёнларини такомиллаштириш;
- серверларни мослаштириш;
- мослаштиришдан кейинги ёрдам;
- Ҳужжатлар, улардаги ўтказмалар (1-илова) ва ҳисоботлар шаклларини (2-илова) Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли бҳс) «ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги молия вазирининг буйруғи (рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь) ва Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли бҳс) «бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисидаги молия вазирининг буйруғи (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 18 январь) мувофиқлигини таъминлаш
- ҳар операциядан кейин унинг мувофиқлигини таъминлаш учун лог юритиш амалиётини жорий этиш;
- асосий восита ва товар моддий бойликларни invoice.uzasbo.uz дастурий мажмуасидан импорт қилиш имкониятини яратиш;
- UzASBO-ZP – 2 нинг ташқи тизимлар билан интеграциялашуви жараёнларини такомиллаштириш
- Маълумот алмашув жараёнларини имкон қадар энг илғор технологиялардан фойдаланиш(Маълумот алмашувда JSON технологияни жорий этиш, матн кўринишидаги файллардан воз кечиш).
- Файл алмашинувида тегишли бўлган амалиётларни оптималлаштириш;

- Микросервисларни жорий этиш, янги дастурда барча амалиётларни бир бирига боғлиқлигини таъминлаш ва узвийликда маълумотлар базасига юкламаларни камайтириш.
- Марказий ва Тижорат банклари орқали келишилган тартибдаги техник йўриқнома асосида тўловлар маълумотини электрон тарзда алмашиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш.
- Бюджет ташкилотларида ғазна мемориал ордерларини тўлиқ электрон равишда жўнатиш имкониятини яратиш, ғазначилик органларига “қўлда” олиб боришни чеклаш.
- Штатлар жадвали ва тарификация рўйхатига ўзгаришларни электронлаштириш. Дастурий мажмуада ўзгаришларни амалга ошириш.
- Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматида табелни қўлда етказиб беришни автоматлаштириш
- Солиқ органларига ҳисоботларни юборишни интеграциялаштириш
- Дастурий мажмуадаги логин паролни алмаштириш учун қоғозбозликни чеклаш мақсадида логин парол олиш жараёнини автоматлаштириш.
- Нақд пул олиш учун чек ёзиш тартибини автоматлаштириш.
- Кафолатланган 1 йиллик қўллаб қувватлаш.
- Дастурнинг мобил (IOS, Android) иловасини ишлаб чиқиш

2.2. Тизимни яратиш вазифалари

Тизимни яратиш ва жорий қилишдан асосий мақсадлари қуйидагилар:

Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларини мамлакатда қўллаш янада юқори сифатли молиявий ҳисоботларни тузишга, шунингдек, давлат сектори фаолияти натижаларини баҳолашга имконият яратиш, ахборотларнинг шаффофлигини ошириш, бюджетга молиявий ҳисоб ва статистик ҳисоботларнинг юқори даражада интеграциялашувини таъминлаш, ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигининг ошиши ҳисобига давлат активларини самарали бошқариш имконини яратиш, молиявий ҳисоботларни бошқа мамлакатлар молиявий ҳисоботлари билан солиштириш имкониятини яратиш, халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида мамлакат мажбуриятлари қандайлиги ва уни ўз ресурслари билан қандай бошқараётганлиги, шунингдек, молиявий ҳолатни тушуниш асосида чет эл инвестициялари ҳажмининг ошиши ва донорлик маблағларининг кўпайиши имкониятини яратиш ҳамда давлат секторида молиявий интизом даражасини ошириш.

Ҳисоблаш усулига асосланган молиявий ҳисобот шаклини жорий этиш:

- молиявий ҳолати ҳақида ҳисобот
- фаолиятнинг молиявий натижалари ҳақида ҳисобот

- соф актив/капитал ўзгариши ҳақида ҳисобот
- пул маблағлари ҳаракати ҳақидаги ҳисобот;
- тасдиқланган бюджет.

Молиявий ҳолат ҳақида ҳисобот такдим этиладиган ахборотлар асосий воситалар, инвестицион кўчмас мулк, номоддий активлар, молиявий активлар, инвестициялар, захиралар, алмашувсиз муомалалардан тушум (солиқ ва трансфертлар), валюта муомалаларидан тушумлар, пул маблағлари ва пул эквивалентлари, тўланадиган солиқлар ва трансфертлар, валюта муомалаларига тўловлар, резервлардан иборат.

Фаолиятнинг молиявий натижалари ҳақида ҳисобот такдим этиладиган ахборотлар тушумни молиялаштириш бўйича харажатлар, улушли методда ҳисобот олинадиган уюшма ташкилотларининг профицит ёки дефицитдаги улуши, активларнинг чиқиб кетиши ёки мажбуриятларни тугатиш бўйича солиқ тўлангунга қадар фойда ва зарар, профицит ёки дефицитдан иборат.

Соф актив/капитал ўзгариши ҳақида ҳисоботда такдим этиладиган ахборот ҳисобот даври профицити ёки дефицити, тушумлар ва харажатлар моддалари бўйича жамланмасидан иборат.

UzASBO-ZP - 2 ни ишлаб чиқишда янги счётлар режасини тадбиқ этиш, тизимда субконтолар билан боғлиқ мантиқий ечимларни бошқатдан код даражасида қайтадан ёзиб чиқиш.

Айланма қайднома, барча турдаги ҳисоботларни янги стандартларга мослаштириш ва мувофиқлаштириш.

UzASBO-ZP - 2 ва ДМБАТ ДМлари ўртасидаги файл алмашинувини ўрганиб чиқиш

UzASBO-ZP - 2 ва ДМБАТ ДМлари ўртасидаги маълумот алмашинуви билан боғлиқ жараёнларни қамраб олган ҳужжатларни ва маълумотлар базаси жадвалларини алоҳида базага олиб ўтиш

ДМБАТ ДМ билан маълумотлар алмашинувида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш

ДМБАТ ДМдан келаётган файлларни номи бўйича кетма-кетликда ўтишини таъминлаш

ДМБАТ ДМдан келаётган файллар тартиби бузилса ёки ўртада бирон файл келмай қолса, ўша файл келмагунича бошқа файллар ўтишига чеклов қўйиш, бунда кейинги келган файлнинг аввалги файлдан олдин келиши дастурда статуслар ўзгариши билан муаммо келтириб чиқариши олдини олади.

Файл алмашинуви жараёнида юзага келган муаммолар, хатоликлар ва файллар йўқолиши ёки жавоб келмай қолиши тўғрисидаги маълумотларни асбоблар панели (dashboard) сифатида дастур администраторлари ва раҳбарият учун огоҳлантириш сифатида кўрсатиб туришни татбиқ этиш

Дастурда мавжуд бўлган ҳисоботларни тўлиқ ўрганиб чиқиш.

Ҳисоботларга тегишли дастур кодларини оптималлаштириш.

Ҳисоботларни навбат билан шакллантириш механизмини жорий қилиш

Алоҳида менюда берилган ҳисоботлар рўйхатини кўриш имконини яратиш ва фойдаланувчига тайёр бўлган ҳисоботлар бўйича огоҳлантириш бериш

Дастурий мажмуанинг амалиётларини микросервисларга ажратиш. Уларни такомиллаштириш.

UzASBO-ZP - 2 – дастурий мажмуасида ходимларни шахсий кабинетини жорий этиш. Бунда ходимларнинг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушланмаларни ходимнинг кабинетидан электрон ариза кўринишида кутиш ва тасдиқлаш, меҳнат таътили, иш ҳақи маълумотларини, буйруқлардан маълумот олиш имкониятини яратиш. Ушбу жараённи барча бюджет ходимлари учун мажбурий қилиш.

3. АХБОРОТЛАШТИРИШ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

ОБЪЕКТЛАРИНИНГ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “UzASBO-ZP - 2” дастурий мажмуасининг фаолияти ва вазифалари.

“UzASBO_ZP” дастурий мажмуасининг фаолиятининг асосий вазифаси бу – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини юритувчи “UzASBO_ZP” дастурий мажмуаси 2011 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома” талабларига тўлиқ жавоб берувчи ва республикамизда Web-технологияга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган илк дастурий мажмуалардан биридир. Дастурдан фойдаланиш бепул бўлиб, ҳозирда ундан 27000 дан ортиқ ташкилотлар фойдаланиб келмоқда. Бугунги кунда бюджет ташкилотлари шахсий ғазна ҳисобварақларидан кўчирмаларни электрон кўринишда мазкур

дастурий мажмуадан олиш имкониятига эга. Шунингдек, дастурий мажмуа орқали тўлов топшириқномалар ғазначилик органларига ва молиявий ҳисоботлар юқори турувчи ташкилотларга ҳамда молия органларига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тўлиқ электрон кўринишда тақдим этиш имконияти мавжуд.

3.2. Ахборотлаштириш объектнинг жорий ҳолати ва тизимни жорий қилиш ёрдамида ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар.

Ҳозирги кунда, ёзилган кодларни янада соддалаштириш ташқи фойдаланувчи тарзидаги дастурчилар учун коднинг ўқилишини осонлаштириш, бунда оптимизациялаштиришни ҳам параллел равишда амалга ошириш.

Ҳозирги дастурий мажмуа “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” ги Молия вазирининг буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169) асосида иш фаолияти амалга ошириб келинмоқда. Ушбу меъёрий ҳужжат касса ҳисоби усулида ҳисоб юритишга мослашган. Халқаро ҳисобот шакллари ушбу меъёрий ҳужжатда ўз аксини топмаган.

Ушбу камчиликларни янги тартибдаги меъёрий ҳужжат билан тартибга келтирилган техник талаб асосида янги тизимни ишлаб чиқиш.

Маълумотларни кунлик, ҳафталик, ойлик шаклида шакллантириш имконияти. Маълум бир саналарда маълумотлар кўринмай қолишининг олдини олиш. Банк куни ва амалиёт куни тушунчаларини инобатга олиш. Банк куни ва амалиёт кунидаги тафовутларни фарқини қиёслаш имконияти, буни қиёслаш далолатномаларида ҳам акс эттириш.

Тижорат банклари билан пластик қайдномалар айланмасини тезлаштириш учун JSON тизимига ўтказиш. Ҳозирги пайтда қўлланилаётган матн кўринишидаги файл алмашинув тизимини ислоҳ қилиш. Уни тўлиқ JSON форматига ўтказиш бу орқали вақтдан унумли фойдаланиш Ички тармоққа бўлган юкламаларни каррасига камайтириш ДМБАТ дастурий мажмуаси билан бир қаторда алмашинилаётган файлларнинг кескин камайишига эришиш.

Жумладан:

- бухгалтерия проводкаларини айланма қайдномага ёзиш жараёнини тубдан ўрганиб чиқиш;

- бухгалтерия проводкаларини айланма қайдномага ёзиш жараёнини янги счётлар режасига мувофиқлаштириб чиқиш;
- бухгалтерия проводкаларини айланма қайдномага ёзиш методини оптималлаштириш;
- UzASBO-ZP - 2 ва ДМБАТ ДМлари ўртасидаги файл алмашинувини ўрганиб чиқиш
- UzASBO-ZP - 2 ва ДМБАТ ДМлари ўртасидаги маълумот алмашинуви билан боғлиқ жараёнларни қамраб олган ҳужжатларни ва маълумотлар базаси жадвалларини алоҳида базага олиб ўтиш;
- ДМБАТ ДМ билан маълумотлар алмашинувида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш;
- ДМБАТ ДМдан келаётган файлларни номи бўйича кетма-кетликда ўтишини таъминлаш;
- файл алмашинуви жараёнида юзага келган муаммолар, хатоликлар ва файллар йўқолиши ёки жавоб келмай қолиши тўғрисидаги маълумотларни асбоблар панели (dashboard) сифатида дастур администраторлари ва раҳбарият учун огоҳлантириш сифатида кўрсатиб туришни татбиқ этиш;
- файл алмашинуви методидан воз кечиб, json шаклда маълумот алмашинувида ўтиш режасини тузиш ва керакли макетларни ишлаб чиқиш;
- Жорий дастурий мажмуада инвентаризация бўйича ҳужжатларнинг маълумоти олиш имконияти йўқлиги.
- Бюджет маблағларини талон-тарож қилиш механизминини олдини олиш мақсадида риск-анализ тизимини ишлаб чиқилмаганлиги
- Кадрлар ҳисоби модули йўқлиги, бунинг оқибатида ўлик жонлар ҳисобини олиш имкони йўқ. FACEID, турникет тизимлари билан интеграцияларнинг йўқлиги.
- х одимларининг шахсий маълумотларини ҳисобга олиш имконияти йўқлиги
- кадрлар ҳаракатининг оператив ҳисобини амалга ошириш имконияти йўқлиги
- кадрлар бўйича буйруқларни тайёрлаш, ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш лавозимга тайинлаш ва ишдан бўшатиш, хизмат сафарлари тўғрисида ва муассасалари ходимларининг таътиллари ва бошқалар
- бўш иш ўринлари мавжудлиги ва ходимларни бўшатиш тўғрисида маълумот тайёрлаш
- ЭРИ орқали имзолаш ва қоғоз нусхасини юклаб олиш имконияти билан ташкилот ходимларининг меҳнат шартномалари
- ходимларни бошқариш бўйича буйруқлар, баённомалар
- ходимларининг аттестацияси ва эҳтиёжларини аниқлаш (ўқитиш, малака ошириш), шу жумладан баҳолаш, аттестация ва ўқитиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш бўйича маъмурий иш жараёнини юритиш
- Автоматлаштирилиши лозим бўлган биринчи тартибдаги

- Бюджет ташкилотларида ғазна мемориал ордерларини тўлик электрон равишда жўнатиш имкониятини йўқлиги. Ғазначилик органи вакилларининг қўлда ғазна мемориал ордерларини киритиш имконияти мавжудлиги.
- Штатлар жадвали ва тарификация рўйхатига ўзгаришларни электронлаштирилмаганлиги.
- Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматида табелни қўлда етказиб беришни автоматлаштирилмаганлиги
- Солиқ органларига ҳисоботларни юборишни интеграциялаштириш амалга оширилмаганлиги
- Дастурий мажмуадаги логин паролни алмаштириш учун қоғозбозликни чеклаш мақсадида логин парол олиш жараёнини автоматлаштирилмаганлиги.
- Нақд пул олиш учун чек ёзиш тартибини автоматлаштирилмаганлиги

3.3. Тизимнинг асосий модуллари

“Маълумотномалар” модули

“Хужжатлар” модули

“Е-ҳисобот” модули

”Ҳисобот” модули

“Интеграция (API)” модули

“Мобил илова”

Интеграция модули қуйидаги вазирлик ва идоралар билан амалга оширилади:

- Молия вазирлиги
- Давлат солиқ қўмитаси
- Давлат персоналлаштириш маркази
- Тижорат банклари
- Адлия вазирлиги
- Ички ишлар вазирлиги

- Халқ таълими вазирлиги
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
- Мактабгача таълим вазирлиги
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги
- Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси
- Давлат тест маркази
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Инновацион палата”
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

UzASBO-ZP - 2 Дастурий мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” қарори, 1-илова III бобнинг (Бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва назоратини таъминлаш) 13,14,15,16 бандлари ижросини таъминлаш мақсадида махсус интеграция модуллари ишлаб чиқилиши лозим. Улар қуйидагилар:

Халқ таълими вазирлиги билан

Тарификация (Дарс соатлари, Малака тоифаси, устамаларни қўллаш)

- *Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси*
- *Соатбай дарс ўтиши*
- *Меҳнат таътили*
- *Меҳнатда майибланиш ва касб касалликлари*
- *Индексация*
- *Табел*
- *Ойлик иш ҳақи ҳисоблаш*

Мактабгача таълим вазирлиги

- *Тарификация (Лавозим маоши, Устамаларни қўллаш)*
- *Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси*
- *Меҳнат таътили*
- *Меҳнатда майибланиш ва касб касалликлари*

- Индексация
- Табел.
- Ойлик иш ҳақи ҳисоблаш

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

- Тарификация (Лавозим маоши (Муассаса тури, жойлашган жойи, ихтисослашганлиги, бемор сони), тунда ишлаганлиги Устамаларни қўллаш, Малака тоифаси)
- Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси
- Меҳнат таътили
- Меҳнатда майибланиш ва касб касалликлари
- Индексация
- Табел
- Ойлик иш ҳақи ҳисоблаш

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

- Тарификация (Лавозим маоши (Муассаса тури, жойлашган жойи), малака тоифаси)
- Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси
- Меҳнат таътили
- Меҳнатда майибланиш ва касб касалликлари
- Индексация
- Табел
- Ойлик иш ҳақи ҳисоблаш

Дастурий мажмуанинг энг сара маълумот ва имкониятларини ўзида жамлаган мобил иловаси ҳам ишлаб чиқилади.

Юқорида келтирилган модулларнинг менюости қисми қуйидаги кўринишда бўлиши лозим:

Жумладан,

Фойдаланувчи маълумотноми	Ходимлар
	Бўлинмалар
	Бўлимлар
	Суббўлимлар
	Секторлар
	Лавозим тоифалари
	Лавозимлар
	Солиқ ва ушланмалар
	Иш ҳақи ўтказмалари
	Тўлов турлари бўйича чекловлар
	Тўлов турлари
	Базавий тўлов турлари
	Иш вақти графиги
	Субсчетлар
	ШҒХ
	Константалар
	Ўқитувчилар малака тоифаси
Глобал маълумотнома	Банклар
	Ўтказмалар
	Юқори турувчи тўлов турлари
	МҲТЭKM
	Разряд
	Квалификация
	Базавий ҳисобланган қиймат
	Стаж ҳисоблаш жадвали
	Стипендия миқдори
Ўқитувчилар базовий ставкаси	
Шаблонлар	Байрамлар
	Сменалар
	Иш вақти графиклари
	Солиқ ва ушланмалар
	Иш ҳақи проводкалари

	Тўлов турлари	
	Ҳисоблаш базовый турлари	
	Лавозимлар	
	Лавозим тоифалари	
	Ҳисоблаш турлари бўйича чекловлар	
Ходимлар ҳисоби	Ҳодимни ишга қабул қилиш	
	Ҳодимни кўчириш	
	Вақтинча ишда бўлмаган ходим ўрнига ишлаш	
	Ўқишда бўлган давр учун тўлов	
	Ҳодимни ишдан бўшатиш	
	Иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътил бериш	
	Хизмат сафари буйруғи	
	Ҳодимни меҳнат таътилидан чақириб олиш	
	Табел	
	Табел (Таълим муассасалари учун)	
	Штат жадвали	
	Штат жадвали (Юборилганлар)	
	Штат жадвали (Қабул қилиш)	
	Титул варақ	
	Титул варақ (Юборилганлар)	
	Титул варақ (Қабул қилиш)	
	Ҳар бир синф кесимида соатлар сеткаси	
	Соатлар сеткаси (жами)	
	Тарификация жадвали	
	Тарификация жадвали (Қабул қилиш)	
	Иш ҳақи буйруқлари	Бир марталик ҳисобланмаларни киритиш
		Ўтган давр учун қайта ҳисоб-китоб

	Доимий тўлов турларини киритиш
	Доимий тўлов турларини бекор қилиш
	ШҒХ варақаларини ўзгартириш
	Касаллик варақаси
	Меҳнат таътили
	Таътил ва касаллик варақаларини қайта ҳисоблаш
	Жисмоний шахслардан олинадиган ДС тўлашдан озод қилинган шахслар
	Натура кўринишадаги даромад
	Иш ҳаққи индексацияси
	Ҳужжатларни текшириш
	Иш ҳаққи ҳисоби
	Тўлов ведомости (Пластик карта)
	Тўлов ведомости (Нақд пул)
	ШЖБПХга бадаллар реестри (юбориш)
	Коммунал тўловлар реестри
Иш ҳақи ҳисоби	Сўровнома
Электрон ҳисобот	Хис. меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги дар-длар, ЖСХДС ва СХЖБПХга тўл. бадаллар тўғ. малумот
Тузатиш проводкалари	Тузатиш проводкалари
Қолдиқларни киритиш	Аввалги даромадларни киритиш
	Айланма қайднома
	Субсчет карточкаси
	Ўтказмалар бўйича ҳисобот
	5-Мемориал ордери
	Ходимлар бўйича дебетор кредитор алоқалари
	Иш ҳақи варақаси
	Шахсий карточка
	ЖШШИР қайдномаси
Ҳисоботлар	Иш ҳақи тўғрисида маълумотнома

Ҳисобланмалар бўйича ҳисобот
Ушланмалар бўйича ҳисобот
Тўловлар бўйича ҳисобот
Тўлов турлари бўйича ҳисобот
Ходимлар реестри
Ҳисобланма бўйича китоб

4. Тизимнинг вазифаси ва яратиш (ривожлантириш) мақсадлари Тизимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлиб хизмат қилиш.
2. Ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро эталон сифатида ишлатилиши.
3. Ҳисобни юритишда тўла фойдаланиш учун қабул қилиш (стандартлардан ўзгартиришларсиз фойдаланиш).
4. Ташқи ахборот тизимлари билан маълумотлар алмашиш. Бирламчи маълумотларнинг ўзгармас ҳолатда бўлишини таъминлаш.
5. Маълумотлар базасини ORACLE МБ га олиб ўтиш
6. Янги ва эски счетлар корреспонденцияси бўйича маълумот киритиш. Бунда маълумотнома тарзида киритилган модулда эски проводкани танлаш жараёнида унинг янги счетлардаги муқобилини акс эттириш имкониятини яратиш
7. Жорий счётлардаги қолдиқларни “ноллаштириш” ҳамда янги счетлар режасига олиб ўтиш. Бунда ҳар бир субсчётнинг қолдиғини киритишда юқоридаги маълумотнома модулидан фойдаланиш талаб этилади. Ҳар бир субсчётнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб 3 турдаги субконтолардан ташқари миқдор, валюта ва сумма майдонлари киритилиши талаб этилади.
8. Бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағи қолдиқлари маълумотини киритишда йил боши қолдиқларни янги ҳисобот шаклларида акс эттирадиган ҳолатда чиқариш.
9. Белгиланган ҳисобот шакллари қўшилиши керак.
10. Қайси даврдан ўтиш белгиланса, ўшандан бошлаб эски счетлар режаси ишлата олмаслиги керак. Бунда ММБХда тўлов ҳужжатларини эртароқ жўнатиб қўйиб, марказда тўлов реестри қилишда кейинги ойга ўтиб кетишиниям олдини олиш керак.

11. ШҲҲга касса ва ҳақиқий харажат субсчёти бириктириш жойи, тўлов ҳужжатларида ўтказмаларни янгилаш тугмаси, проводкаларнинг чиқиши ва ҳоказоларни тўғрилаш керак.
12. Қолдиқни олиб ўтиш ҳужжатини ишлаб чиқиш. Бунда ҳужжат ичида таққослама ўтказма жадвалидан фойдаланиш.
13. Қўлда бажарилиб келаётган турли кўринишдаги амалиётларни электронлаштириш:
 - Бюджет ташкилотларида ғазна мемориал ордерларини тўлиқ электрон равишда жўнатиш имкониятини яратиш, ғазначилик органларига “қўлда” олиб боришни чеклаш.
 - Штатлар жадвали ва тарификация рўйхатига ўзгаришларни электронлаштириш. Дастурий мажмуада ўзгаришларни амалга ошириш.
 - Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматида табелни қўлда етказиб беришни автоматлаштириш
 - Солиқ органларига ҳисоботларни юборишни интеграциялаштириш
 - Дастурий мажмуадаги логин паролни алмаштириш учун қоғозбозликни чеклаш мақсадида логин парол олиш жараёнини автоматлаштириш.
 - Нақд пул олиш учун чек ёзиш тартибини автоматлаштириш.
14. Иш ҳақи учун суровномалар электрон юборилганда тегишли давлат солиқ инспекцияси дастурига боғланиш керак. (Қарздорликни олдини олиш мақсадида);
15. Меҳнатга лаёқатсизлик ҳамда туғишдан олдин ва туғишдан кейинги нафақалар тўловини амалга ошириш учун сўров орқали соғлиқни сақлаш тизимидан маълумотни олиш.
16. UzASBO-ZP - 2” дастурий мажмуасида Ҳужжатларининг тарихи (бюджет ташкилоти ҳисобчиси томонидан шакллантириш ва юбориш вақти, ғазначилик органи томонидан қабул қилиш, тасдиқлаш ва тўланиш вақти) тўғрисида Online режимдаги маълумотлар шаклланишидан келиб чиқиб, “Телеграм” ижтимоий тармоғида “Oylik” бот орқали олинган маълумотлар таркибига тўлов ҳужжатларининг тарихини ҳам акс эттириш лозим
17. UzASBO-ZP - 2 ДМда Dashboard Monitoring System тизими орқали бюджет ташкилотларининг ойлик иш ҳақи харажатларини молиялаштириш ва I ва II гуруҳ харажатлари таҳлили бўйича онлайн режимида маълумот олиш
18. Иш ҳақини ҳисоблашда "UzASBO-ZP - 2" дастурида “zp.uzasbo.uz” ва “zp.mdm.uz” модулларини фақат биттаси орқали тўлиқ ишлай олишни

- жорий қилиш (Ҳозирда иккала дастурдан ҳам фойдаланиляпти ва иш ҳажми кўпаймоқда)
19. Иш ҳақини ҳисоблашда даромад солиғи, ижтимоий солиқ (25 фоиз ЯИТ) тўловларини амалга оширилган касса харажатларини молиявий ва бошқа солиқ ҳисоботларига “ҳисобланди” ва “тўланди” каби қисмларга автоматик равишда тортадиган тизим жорий қилиш.
 20. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисобланишини штатлар жадвали ва тарификацияга боғлаш.
 21. Сўровномалар билан тўлов ҳужжатлари ўртасидаги фарқни аниқлаш учун алоҳида ҳисобот модулини яратиш.
 22. Дастурий мажмуа кодларида рефакторингни амалга ошириш орқали кодлар структурасини тубдан қайта кўриб чиқиш.
 23. Дастурнинг база ва тизим архитектурасини тубдан қайта кўриб чиқиш.
 24. Дастур микросервислари архитектурасини ишлаб чиқиш ва микросервисларга ажратиш.
 25. Халқ таълими тизимини бошқаришни электрон тизими орқали UzASBO-ZP - 2 дастурий мажмуаси билан маълумот алмашишни йўлга қўйиш
 26. Соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришни электрон тизими орқали UzASBO-ZP - 2 дастурий мажмуаси билан маълумот алмашишни йўлга қўйиш
 27. Кадрлар ҳисоби модулини ишлаб чиқиш. Бунинг оқибатида ўлик жонлар ҳисобини олиш, FACEID, турникет тизимлари билан интеграцияларни йўлга қўйиш.
 28. Ходимларининг шахсий маълумотларини ҳисобга олиш имкониятини яратиш
 29. Кадрлар ҳаракатининг оператив ҳисобини амалга ошириш имконияти яратиш
 30. Кадрлар бўйича буйруқларни тайёрлаш, ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш лавозимга тайинлаш ва ишдан бўшатиш, хизмат сафарлари тўғрисида ва муассасалари ходимларининг таътиллари ва бошқалар, бўш иш ўринлари мавжудлиги ва ходимларни бўшатиш тўғрисида маълумот тайёрлаш имкониятини яратиш
 31. ЭРИ орқали имзолаш ва қоғоз нусхасини юклаб олиш имконияти билан ташкилот ходимларининг меҳнат шартномалари ходимларни бошқариш бўйича буйруқлар, баённомалар ходимларининг аттестацияси ва эҳтиёжларини аниқлаш (ўқитиш, малака ошириш), шу жумладан баҳолаш, аттестация ва ўқитиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш бўйича маъмурий иш жараёнини юритиш имкониятини яратиш
 32. Ходимнинг шахсий кабинетини яратиш. Ушбу кабинетдан мурожаатлар устида амалиётларни йўлга қўйиш имконияти

33. Бюджет маблағларини талон тарож қилишни олдини олиш мақсадида риск –анализ тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

4.1. Тизимга қўйиладиган умумий талаблар

4.1.1. Тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган ахборот тизими:

- техник топширикда кўзда тутилган барча вазифаларни бажариши;
- миждоз-сервер технологиясида ишлаши;
- буюртмачининг эҳтиёжларига кўра тизимга киритиладиган кичик ўзгаришларга тез ва осон мослашувчан бўлиши, шу билан тизимни сақлаш ва техник қўллаб-қувватлаш харажатларининг камайишига ҳам эришилиши;
- келажакда тизимнинг функционал имкониятлари кўпайтирилиб, тизим такомиллаштириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;
- умумий маълумотлар базаси билан ишлайдиган бир қанча алоҳида модуллар шаклида яратилиб, ҳар бир модулни алоҳида такомиллаштириш ёки қўшимча модуллар қўшиш имконияти кўзда тутилган бўлиши;
- келажакда бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;
- техник воситалар ва малакали техник хизмат кўрсатишни оптимал даражада талаб қилиши;
- фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга бўлиши ва оммабоп дастурий воситалар интерфейсларига ўхшаш бўлиши;
- маълумотларнинг ишончли сақланишини таъминлаши;
- маълумотларнинг қулай ва тушунарли кўринишларда акс эттирилишини таъминлаши лозим.

Тизим уч босқичли марказлашган тузилмага эга бўлиб, республика бўйича ягона марказий маълумотлар базаси сервери, барча ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган сервер дастури ва веб-браузер орқали кириладиган дастурий интерфейсдан ташкил топиши лозим.

Веб-браузер орқали кириладиган тизим очик ва ёпиқ қисмлардан иборат бўлиб, ундан стационар компьютерлар билан бир қаторда, мобил қурилмалар орқали ҳам фойдаланиш имконияти яратилиши лозим.

Тизимнинг очик қисмида ахборот тизимига дахлдор бўлган умумфойдаланиладиган маълумотлар жойлаштирилиши лозим.

Тизимнинг ёпиқ қисми турли даражадаги ҳуқуқларга эга бўлган фойдаланувчиларнинг "шахсий кабинет"ларидан иборат бўлиб, улар томонидан тизимнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун ягона кириш жойига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг ёпиқ қисми ахборот тизими доирасида фойдаланиладиган ахборотларнинг тартибли сақланиши, автоматик тарзда қайта ишланиши ва қулай интерактив таҳлилий шаклларда акс этирилишини таъминлаши ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборот билан таъминланганлик даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим.

Тизимнинг тўлақонли ва оптимал ишлашини таъминлаш учун, унинг модуллари ягона мажмуа сифатида ишлаши лозим. Асосий алоқа воситаси сифатида TCP/IP протоколи асосидаги ҳимояланган VPN ёки корпоратив компьютер тармоғидан фойдаланилади. Буюртмачининг хохишига кўра, тизимдан TAs-IX тармоғи орқали фойдаланилиши ҳам мумкин.

Тизимнинг барча фойдаланувчилари учун, уларнинг ҳудудий ва функционал фарқланишларидан қатъий назар дастурий таъминот ягона нусхада бўлиши лозим. Бунинг учун дастурий таъминотда фойдаланувчиларнинг гуруҳлар ва роллар бўйича, шунингдек ҳудудлари, даражалари ва бошқа белгилари бўйича турларга ажратилган бўлиши ҳамда уларнинг барчаси ягона тизим доирасида ўзаро уйғунликда, бир-бирига зарарли таъсир кўрсатмаган ҳолда, мустақил ишлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг барқарор ишлаши учун талаб этилган барча шарт-шароитлар яратиб берилган ҳолатда, тизим администраторлар аралашувисиз 24/7 режимида доимий ва тўхтовсиз ишлашга мўлжалланган бўлиши лозим.

Тизимда дастурий таъминотга қўшимча функционал имкониятларнинг қўшилиб бориши ҳамда техник воситаларнинг кучайтириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши лозим.

Тизим фойдаланувчиларининг сони ёки фойдаланиш кўлами кенгайган ҳолларда, дастурий ва техник таъминотнинг ишлаш тезлигини ошириш талаб этилиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган бўлиши лозим.

4.1.2. Тизим ходимларининг сони ва малакасига ҳамда унинг ишлаш режимида қўйиладиган талаблар

Тизимнинг ишлашини таъминловчи фойдаланувчи турлари:

- тизим фойдаланувчилари;
- администраторлар.

Тизимдан фойдаланувчиларнинг тахминий сони:

- тизим фойдаланувчилари – 100000 тагача
- администраторлар – 50 тагача.

Тизимнинг барқарор ишлаши учун қуйидагилар талаб этилади:

- серверлар, сервер дастурий таъминотлари ва ахборот узатиш тармоқларининг бенуқсон ҳамда узлуксиз ишлаши таъминланиши;
- администраторлар томонидан тизимга бошланғич маълумотларнинг тўғри киритилиши ва махсус администраторлик дастури ёрдамида тизим тўғри бошқариб борилиши;

- операторларга техник кўмак берувчи доимий кўллаб-қувватлаш хизматининг тўлақонли фаолият кўрсатиши.

Ходимларнинг лозим даражадаги билим ва малакага эга бўлишига эришиш мақсадида, тизим операторлари, администраторлари ҳамда кўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари учун буюртмачининг мутахассислари томонидан тизимдан фойдаланиш қоидалари бўйича олдиндан ўқувлар ташкил этилиши ва юқори савияда ўтказилиши лозим.

Ўқувлар буюртмачи томонидан, тизимни ишлаб чиқарувчи корхона билан келишилган ҳолда ташкил этилиши ва ўқувни юқори савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозим.

4.1.3. Вазифаси кўрсаткичлари

Тизимга 80000 тагача фойдаланувчи бир вақтнинг ўзида уланган пайтда ҳам, тизимнинг ишлаш тезлиги қўйидаги кўрсаткичлардан камайиб кетмаслиги лозим:

- веб-интерфейс орқали маълумотни сақлаш тезлиги – кўпи билан 5 сония;
- сўровларни акс эттириш – кўпи билан 5 сония;
- батафсил маълумотларни акс эттириш – кўпи билан 10 сония.

Йирик ҳисоботларни шакллантиришга сарфланадиган вақт уларнинг мураккаблиги ва маълумотлар миқдорига мос бўлиб, 1 дақиқадан ортмаслиги лозим.

Маълумотларнинг ҳажми кўпайиши билан боғлиқ бўлган секинлашишни бартараф этиш учун, сервер қурилмалари ва алоқа тармоқларининг тезликларини орттириш етарли бўлиши ва бунда дастурий таъминотга ўзгаришлар киритиш талаб этилмаслиги лозим.

Тизимнинг ташқи кўриниши ва ҳисобот шаклларига киритиладиган кичик ўзгаришлар тизимнинг иши вақтинча тўхтатиб қўйилишини талаб этмаслиги, дастурий таъминот ишлаб турган вақтнинг ўзида такомиллаштириш ва эҳтиёжларга мослаштириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Тизим ҳар соатда 5 000 та мурожаатни юқорида кўрсатилган тезликда қайта ишлай олиши ва профилактик ишлар учун тизимни тўхтатиб туришлар давомийлиги ҳар ойда 4 соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

4.1.4. Ишончлилигига қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқиладиган ахборот тизими:

- буюртмачига камида 3 йил давомида хизмат қилиш имкониятига эга бўлиши ҳамда хизмат қилиш муддати давомида ўзининг тезлик ва барқарорлик кўрсаткичларини йўқотмаслиги;
- дастурий таъминотнинг нотўғри ишлаши билан боғлиқ ҳолатларда маълумотларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслиги;
- тизимдан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолларда, тўхтовсиз, барқарор ишлаши;

- дастурий таъминотдаги хатолик сабабли тизимнинг иши тўхтаб қолган ҳолатларда, мазкур техник топшириқда белгиланган ёки буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида келишилган муддатларда тизимнинг ишини тўлиқ қайта тиклаш имкониятлари мавжуд бўлиши лозим.

Тизимнинг ишончли ва узлуксиз ишлашига қуйидаги ташкилий ва техник амаллар комплекси ёрдамида эришилади:

- дастурий таъминотдаги бузилишлар. Дастурий таъминот ишдан чиққан ҳолатда, маълумотлар банки ва дастурий таъминотнинг энг охириги олинган резерв нусхаси серверда қайта тикланади. Бундай ҳолатда дастурий таъминот фаолиятини қайта тиклаш ишлари уч соатдан ортмаслиги лозим (техник воситалар, операцион тизим ва бошқа ёрдамчи дастурларнинг иши қайта тикланиши учун сарфланадиган вақт бунга қўшилмайди);

- техник воситаларнинг ишдан чиқиши. Техник воситалар ва алоқа каналларининг барқарор ишлаши, зарур ҳолларда зудлик билан таъмирланиши, резерв алоқа каналларини ташкил қилиш ва маълумотлардан резерв нухса олиб туриш буюртмачининг мутахассислари томонидан таъминланади. Техник воситалар ёки алоқа каналларида носозлик юзага келганида, дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкени ишлашдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим;

- электр энергияси таъминотидаги узилиш ёки импульсли носозликларда ҳам дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкени ишлашдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим. Электр энергияси таъминотида 15 дақиқагача бўладиган узилишлар компьютерлар ва серверларнинг ўчишига ҳамда тизимнинг тўхтаб қолишига олиб келмаслиги чоралари буюртмачи томонидан кўрилган бўлиши лозим.

Тизимнинг барқарор ишлашига эришиш мақсадида буюртмачи томонидан қўшимча серверлар ва қўшимча алоқа каналлари ташкил этилиб, дастурий маҳсулот ва маълумотлар банкларининг резерв нусхалари ушбу серверларга автоматик тарзда кўчириб борилиши йўлга қўйилиши лозим.

Маълумотлар банки ва дастурий маҳсулотдан резерв нухса олиш ва зарур ҳолларда резерв нухсадан уларни қайта тиклаш тартиб-қоидалари ишлаб чиқарувчи томонидан, тизимни фойдаланишга топшириш жараёнида, буюртмачининг администраторларига ўргатилиши ва кейинчалик бу амаллар буюртмачининг администраторлари томонидан мустақил равишда бажарилиши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситалар, тизимнинг энг юқори юклама билан ишлаш ҳолатлари учун ҳам етарли бўлиши билан бир қаторда, тизим фойдаланувчилари ҳамда бажарадиган вазифаларининг ортиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда камида 20 фоизлик фойдаланилмаган резервларга ҳам эга бўлиши лозим.

Серверларда фойдаланиладиган операцион тизим, маълумотлар банкени бошқариш тизими ва бошқа ёрдамчи дастурий воситалар турли

носозликларга бардошли ва авария ҳолатларида тез қайта тиклаш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар барқарор электр токи билан таъминловчи қурилма (UPS), қўшимча таъминот блоки (дублирующий блок питания), юқори малакали техник қўллаб-қувватлаш хизмати ва зарур бутловчи қисмлар захирасига эга бўлиши лозим.

Техник ва дастурий воситаларда юзага келган носозликлар ҳамда уларни бартараф этиш учун кўрилган чоралар буюртмачининг администраторлари томонидан батафсил қайд этиб борилиши ва бундай носозликларни камайтириш чоралари ўз вақтида кўрилиши лозим.

4.1.5. Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

Электр тармоғига уланган барча техник воситалар тасодифий ташқи таъсирлардан лозим даражада ҳимояланган бўлиши ҳамда ГОСТ 12.1.030-81 стандарти талабларига асосан электр носозликларидан ҳимояланган бўлиши лозим.

Электр таъминоти тизими юкламанинг меъёридан ортиб кетиш ёки қисқа туташув ҳолатларида автоматик ўчиш, шунингдек авария ҳолатларида қўлда ўчириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг техник воситаларидан фойдаланишда меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасининг амалдаги қоидаларига амал қилиниши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган барча техник воситалар серияли ишлаб чиқарилган бўлиши ҳамда мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар жойлаштириладиган бинолар, уларни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва хавфсизлигини таъминлаш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат стандартлари, шунингдек қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларига жавоб бериши буюртмачи томонидан таъминланиши лозим.

Маълумотларни фақат кўриш ҳуқуқига эга бўлган оддий фойдаланувчилар учун техника хавфсизлиги бўйича қўшимча ўқувлар ўтказиш ёки махсус тайёргарликка эга бўлиш талаб этмаслиги ва улар томонидан тизимдан фойдаланишда йўлга қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар тизим ишининг тўхтаб қолиши, маълумотларнинг йўқолиши ёки ўзгариб кетишига сабаб бўлмаслиги лозим.

Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш учун:

- фойдаланувчиларнинг тизим маълумотлари ва функционал имкониятларига бўлган ҳуқуқлари турли даражада чегаралиниши кўзда тутилган бўлиши;
- ахборотларнинг бутунлиги ва тўлиқлиги таъминланиши;
- тизим рухсатсиз кириш ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши;
- тизим фойдаланувчиларининг аниқ идентификацияланиши;

- тизимда фойдаланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини лозим даражада ёзиб бориш, зарурат бўлганда уларни назорат қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқланиши чеклаб қўйиш имкониятлари яратилган бўлиши;

- тизимда маълумотларни ўчириш, ўзгартириш ва бошқа алоҳида амалларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган фойдаланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиш имкониятлари яратилган бўлиши лозим.

4.1.6. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар

Тизимнинг фойдаланувчи билан мулоқоти визуал график интерфейс шаклида ташкил этилиб, ушбу интерфейс қулай ва тушунарли бўлиши, меъёридан ортиқ даражадаги график элементлар ва турли ранглар билан юкланган бўлмаслиги ҳамда фойдаланувчининг талабларига тезлик билан жавоб қайтариши лозим. Тизимнинг навигация элементлари ҳам фойдаланувчи учун қулай, тушунарли кўринишга эга бўлиши ва оптимал жойда жойлаштирилиши лозим.

Тизимнинг интерфейсини лойиҳалаштиришда:

- ҳар бир модул бўйича экранда акс эттириладиган барча шакллар бир хил дизайнга эга бўлиши ва бошқарув элементлари бир хил жойда жойлаштирилиши;

- кўриниши ўхшаш бўлган бошқарув элементларининг ишлаш тартиби ҳам бир хил бўлиши (сичқонча олиб келинганда, босилганда, клавиатура тугмалари босилганда барча ўхшаш элементлар бир хил тартибда ишлаши);

- клавиатурадан асосан маълумотларни киритиш ва ўзгартиришда фойдаланиши, бошқа ҳолатларда сичқончадан фойдаланилиши кўзда тутилган бўлиши;

- интерфейс 1024x768 пиксел ва ундан катта ўлчамдаги экранларда бенуқсон, ноқулайликларсиз ишлаши кўзда тутилган бўлиши лозим.

Тизимнинг веб-интерфейси қуйидаги асосий компонентлардан ташкил топиши лозим (4.1.2-расм):

- тизим сарлавҳаси ва бош менюси, 1;
- юқори бошқарув ва ахборот элементлари, 2;
- маълумотларни акс эттириш учун асосий жой, 3;
- қуйи бошқарув ва ахборот элементлари, 4.

1
2
3
4

4.1.2-расм. Тизим интерфейсининг тузилмаси

Тизимнинг ҳар бир модулини лойиҳалаштиришда асосан 2-3 хил ранглар композициясидан фойдаланилиши ва интерфейнинг барча ойналари шу ранг ва шаклларга мос бўлиши лозим.

Маълумотларни киритиш ойнасида маълумотларнинг хатосиз киритилишини таъминлашга автоматик тарзда ёрдамлашиб турадиган функция жорий этилиши лозим. Тизимнинг ишлашида хатолик юзага келганида, тизим бу ҳақда фойдаланувчига тушунарли бўлган хабарни экранга чиқариши лозим.

Тизимнинг маълумот киритиш қисмида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома жойлаштирилган бўлиши ва фойдаланувчи томонидан исталган вақтда қайта ўқиб чиқиш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Иш ўринларида фойдаланиладиган стационар ва мобиль компьютер техникалари фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши лозим.

Ишчи ходимларнинг ишлаш шароитлари ва фойдаланиладиган компьютер техникасининг кўрсаткичлари амалдаги санитария меъёрларига мос бўлиши лозим.

4.1.7. Транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар

